



Uluslararası Türk Akademisi

I. ULUSLARARASI TÜRKBİLİM ÖĞRENCİ KURULTAYI BİLDİRİLER KİTABI

Nur-Sultan
2021

UDK 001
BBK 72
U 17

Proje Müdürü:
Prof.Dr. Darhan Kıdıralı
Uluslararası Türk Akademisi Başkanı

U 17 **Uluslararası Türkbilim Öğrenci Kurultayı Bildiriler Kitabı.**
Nur-Sultan, 2021, – 696 s.

ISBN 978-601-7999-54-4

“Uluslararası Türkbilim Öğrenci Kurultayı” fikri ilk olarak Azerbaycan’da yaşayan Türkoloji tutkunu birkaç gencin düşüncesiyle ortaya çıksa da kısa bir süre sonra Türk dünyasının farklı bölgelerinde yaşayan diğer öğrenciler ve akademisyenler, Kurultay çalışmaları kapsamında bir araya gelerek tek yürek oldu.

Düzenleme Kurulu’nda; Azerbaycan, Türkiye, Özbekistan, Kazakistan, Kırgızistan ve Türkmenistan’dan birçok genç Türkolog yer aldı. Türkoloji alanında görev yapan bilim insanları, genç Türkologlara rehberlik etti. Türk dünyasındaki gençler tarafından 4-5 Eylül 2020’de düzenlenen ve sanal ortamda gerçekleştirilen I. Uluslararası Türkbilim Öğrenci Kurultayı’nın “Bildiri Kitabı”nda, iki gün süren ve toplam 9 oturumda Azerbaycan, Türkiye, Özbek, Kazak, Kırgız, Türkmen, Gagauz, Uygur, Karakalpak ve Balkan Türkçeleriyle sunulan; Türk dili, edebiyatı ve kültürü alanlarındaki 88 bildiri yer almaktadır. Bildirilerin ortaya koyduğu sonuçlar bu alanda çalışan bilim insanlarının dikkatine sunulma maksadıyla bir kitapta toplanmıştır. Bildiri kitabının; Türk dünyasının dil, edebiyat ve kültür alanında çalışan genç Türkologlara fayda sağlayacağı düşünülmektedir.

UDK 001
BBK 72

ISBN 978-601-7999-54-4

© Uluslararası Türk Akademisi, 2021

(4-6 Eylül 2020) I. Uluslararası Türkbilim Öğrenci Kurultayı

Başeditörler: Prof. Dr. Ramiz ASKER

Prof. Dr. Bilgehan Atsız GÖKDAĞ

Prof. Dr. Nasimhon RAHMANOV

DÜZENLEME KURULU

Dr. Gülzada STANALİYEVA - Kırgızistan-Türkiye Manas Üniversitesi, Kırgızistan

Dr. Nodirbek JURAKUZİYEV - Ali Şir Nevai Taşkent Devlet Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi, Özbekistan

Dr. Zarina CALBİYEVA - Kırgızistan-Türkiye Manas Üniversitesi, Kırgızistan

Dr. Öğr. Gör. Hicret DAŞDEMİR - Ankara Hacı Bayram Veli Üniversitesi, Türkmenistan

Arş. Gör. Gülnar AKHUNDOVA - Bakü Devlet Üniversitesi, Azerbaycan

Öğr. Gör. Zülfiye AĞAYEVA - Azerbaycan Tıp Üniversitesi & Azerbaycan Devlet Pedagoji Üniversitesi, Azerbaycan

Öğr. Gör. Lale ALİYEVA - Bakü Slavyan Üniversitesi, Azerbaycan

Öğr. Gör. İntımakgöl NURMAGOMBETOVA - Hoca Ahmet Yesevi Uluslararası Türk-Kazak Üniversitesi, Kazakistan

Öğr. Gör. Nur Sena TAŞCI - Ostim Teknik Üniversitesi, Türkiye

Bilim Uzmanı Gül AKBAŞ - Bursa Uludağ Üniversitesi, Türkiye

Bilim Uzmanı Beyza TÜRKKOLU - Gazi Üniversitesi, Türkiye

Uzman Burak ÖZŞAHİN - Hacettepe Üniversitesi, Türkiye

Maleyka MİRZALİ - Bakü Devlet Üniversitesi, Azerbaycan

BİLİM KURULU

Prof. Dr. Bahtiyor ABDUSHUKUROV – Ali Şir Nevai Taşkent Devlet Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi, Özbekistan

Prof. Dr. Firudin AĞASIOĞLU - Bakü Avrasya Üniversitesi, Azerbaycan

Prof. Dr. Ercan ALKAYA - Fırat Üniversitesi, Türkiye

Prof. Dr. Yadigar ALİYEV - Gence Devlet Üniversitesi, Azerbaycan

Prof. Dr. Mustafa ARGUNŞAH - Erciyes Üniversitesi, Türkiye

Prof. Dr. Ramiz ASKER - Bakü Devlet Üniversitesi, Azerbaycan

Prof. Dr. Elbrus AZİZOV - Bakü Devlet Üniversitesi, Azerbaycan

Prof. Dr. Yakup BABAYEV - Azerbaycan Devlet Pedagoji Üniversitesi, Azerbaycan

Prof. Dr. Ahmet BURAN - Fırat Üniversitesi, Türkiye

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ ИЖОДИДА МУАЛЛИФ НУТҚИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Насима ҚОДИРОВА

*Бухоро давлат университети,
таянч докторанти,
Ўзбекистон
nasimasaidzoda@mail.ru*

Аннотация

Мақолада илмий-адабий тафаккур ижоднинг ўзига хос тури эканлиги ва унда муаллиф нутқининг аҳамияти, маҳоратининг қай шаклларда намоён бўлиши ҳақида фикр билдирилган. Адабиётшунос олим, мунаққид Иброҳим Ҳаққулов ижоди тадқиқ этилиб, унинг мақолалари тилидаги ўзига хосликлар таҳлил қилинган. Жумладан, сарлавҳа танлаш, сўз қўллаш, афоризмлардан фойдаланиш, сўроқ гапларнинг ишлатилишига доир маҳорати ўрганилган.

***Калит сўзлар:** муаллиф нутқи, маҳорат, услуб, жанр, бадиийлик, афоризмчилик, сарлавҳа, риторик сўроқлар, талант.*

Тил–бадиий адабиётнинг бошқуроли бўлганидек, адабиётшуносликнинг ҳам етакчи қуролидир. Зеро, муаллифнинг бадиий матнга ёки матн яратувчисига муносабатини, у ҳақидаги фикрлар доираси, ҳулосаси унинг тили орқали юзага чиқади. Ва айнан тил орқали биз адабиётшунос ички олами ва дунёқарабини, бадиий матнга ва унинг муаллифига муносабатини англаймиз. Олим тил орқали китобхонни матннинг тағмаънолари билан таништиради, муаллифни тушуниш калитларини баён этади, ҳам матн ижодкори сифатида ўзининг маънавияти, илмий-бадиий салоҳиятини юзага чиқаради.

“Танқидчи учун мақоласининг тили ва услуби бадиий асарларни таҳлил қилиш, китобхон ва ёзувчига таъсир кўрсатадиган, умуман, адабиётнинг ривожланиш жараёнининг кучли воситасидир” (Бурсов, 1956:273). Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ўзбек адабиётшунослиги тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов илмий меросининг тил хусусиятларини тадқиқ этиш муҳимдир, чунки бу мунаққид услубини белгиловчи муҳим жиҳатлардан биридир. Олим илмий-бадиий таафаккурининг камрови кенглиги боис мақолаларининг тили ҳам бир-биридан фарқ қилиши кўзга ташланади. Бу фарқ мақола жанри, китобхон дунёқараши ва ёши, муаллифнинг мақолада таҳлил этилаётган ижодкорга муносабати жиҳатидан фаркланади.

Мақолаларда китобхонлар аудиторияси савияси ва дунёқарабини инобатга олиш олим ижодининг эътиборга молик фазилатларидан бири.

Унинг мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб ёзилган асарлари тилининг соддалиги, қизиқарлилиги, ўта илмий ва узун баёнлардан хоилилиги ва равонлиги билан аҳамиятли. Олим таҳлил этилаётган мавзунинг китобхонга тез етиб бориши ва тушунарли бўлиши учун турли ҳикоятлар ва ривоятлардан фойдаланади: “Ривоят қилинишича, қадим-қадим замонларда оқил бир одамнинг сулуви кизи бўлган эмиш. Шу дилбарга иккита фариштаннинг ишқи тушибди...” (Ҳаққул, 1989:20), (“Тилга эътибор – элга эътибор”) ёки, “Олис асрларда Каюмарс деган подшоҳ ўтганмиш...” (Ҳаққул, 1989:25) каби.

Ёш китобхонларга масала моҳиятини осон тушунтириш унинг зидди билан қиёсланиб, амалга оширилса, янада самарали бўлади. Буни теран англаган И.Ҳаққул “Занжирбанд шеър қошида...” китобида фикрларини тушунтириш, байтларни шарҳлашда антитезадан самарали фойдаланган: “Сўзнинг эътиборлиси ва яхшиси – чин сўз. Энг ёмони – ёлғон” (Ҳаққул, 1989:23). Бу йўл билан олим ўқувчиларни Алишер Навоий асарлари моҳиятини чуқур тушуниш ва ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишга чорлайди.

Иброҳим Ҳаққулов айрим мақолалари, хусусан эсселари тили бадиий асарга жуда яқинлиги билан ўзига хослик касб этади. Бу бир томондан эссе жанрининг ўзига хос хусусияти бўлса, иккинчи томондан олим услуби жозибасини намоён этади. Олим томонидан қўлланиладиган ўхшатишлар, маъно кўчишлар (метафора, синекдоха, киноя), жонлантиришлар асарнинг жозибасини ошириб унинг мароқ билан ўқилишини таъминлайди. Олим мақолаларида “адабиёт” сўзини баъзан ўз маъносида баъзан кўчма маънода кўплаб қўллайди. Аксарият ҳолларда уни жонлантиради: “Адабиётга хиёнатни ҳаммадан олдин адабиёт сезади - уни сотганларни адабиёт сотмайди, улар ўз-ўзини сотади, ўз-ўзини аянч аҳволга гирифтор этишади.” (Ҳаққул, 2018:56) Ушбу жумлада “Адабиёт” кўз олдимизда кўплаб хиёнатлар, жафоларни бошидан ўтказган, аммо буюк қудратга эга сиймо сифатида гавдаланади. Ва шу жумла орқали адабиёт тарихи, бугуни ва келажаги борасидаги фикрлар китобхон қалбини чулғаб олади. Ёхуд “Ҳақ-ҳуқуқсиз яшашдан толиқиб, айтарли ҳамма нарсага бефарқ қарашга кўниккан одамлар қалбига адабиётдан ойдин нур оқиб келарди” (Ҳаққул, 2018:107) жумласидаги “адабиётдан қалбга нур оқиб келиши”ни моҳирона топилма дейиш мумкин. Ушбу метофорик бирикма орқали инсон қалбида кечадиган ҳузурбахш бир ҳолат манзараси чизилган. Шунингдек, адабиётнинг нажоткорлик хусусияти таъкидланганки, бу ўқувчини мушоҳадага, китобхонликка даъват этади.

Иброҳим Ҳаққуловнинг адабий-танкидий мулоҳазалари сиқиклиги, ўткирлиги билан, тили эса бу майдонда ўзининг афористиклиги билан ҳам ажралиб туради. Афоризмлардан, асосан, фикрни далиллашда, ихчам ифодалашда, матн жозибасини оширишда, мунаққид баҳс юритаётган муаммоларнинг барча замон ва маконларда муҳим эканлигини таъкидлашда

фойдаланилади. Шу сабаб афоризмлар кўлами ҳам кенг: айтиш билан бир ҳодиса шарҳида ҳам шарқ адабиёти ҳам ғарб адабиётининг даҳо ижодкорлари фикрларидан фойдаланилади. Масалан, олимнинг Шекспир ижодига бағишланган “Буюк калб муҳаббати” мақоласини кузатсак. Мақола бир ғарб шоирининг “Кўнгил билан фикрлаб, ақл билан ҳис қилишни ўргангил” (Ҳаққул 2018:56) деган фикри билан бошланади. Олим бу фикр орқали Шекспир ижодининг айнан шу хилда яратилганлигини айтиш билан бирга, китобхонга кўнгил ва ақл мувозанатини таъкидлайди. Мақолада рус адиби Н.В.Гогол, олмон шоири Гёте, даниялик файласуф Серён Керкегор, француз шоири Буало, араб мутафаккир шоири Ибн Арабий ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан моҳирона фойдаланилган. Мақолада келтирилган афоризмлар орқали Шекспир ижодининг ҳудудсиз кенглиги ва бугунги кундаги аҳамиятини ҳам англаб оламиз. Шунингдек, олим илмий тафаккури кенглиги, ҳам ғарб ҳам шарқ адабиётининг етук билимдони эканлигини кўриш мумкин.

Иброҳим Ҳаққулов мақолаларида “шахс” сўзининг ишлатилиши эътиборни тортади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўз 1- Кимса, киши, зот маъноларини англатиб, жамиятдаги алоҳида бир кишини ифодалаши; 2-шахсият маъносида келиши айтилган. (Луғат 4-жилд:567) Олим бу сўзни баъзан имло қоида-қоидага кўра гап ўртасида кичик ҳарфлар билан ёзса, айрим ўринларда қоидага зид равишда биринчи ҳарфини катта ҳарф билан баъзан эса барча ҳарфларини катта ҳарфлар билан ёзади. Биринчи ҳолатда сўз ўз луғавий маъносини ифодалайди, аммо иккинчи ва учинчи ҳолатда “шахсият” сўзи англатадиган мазмунга мос келади ва бир қанча услубий маъноларга ҳам эга. Чеховга нисбатан “Бу бетакрор Шахсни мен рус халқи ва адабиётининг бебаҳо бойлиги деб биламан” (Ҳаққул, 2019:119) деганда “шахс” сўзи орқали унинг рус ва жаҳон адабиётида турган ўрнининг бекиёслигига ишора қилинади. “Менингча, “Миллатчи” ўз миллатини бошқа миллатлардан устун кўядиган кимса эмас, балки уни ҳеч қайси улуг миллатдан паст кўрмайдиган, тил, тарих ва маданиятининг камситилишига чидай олмайдиган ғурурли ШАХСдир” (Ҳаққул, 2019:50) деганда эса “шахс” сўзида ўз халқи тақдирига бефарқ бўлмаслик, озодликка интилиш, фидойилик, мардлик семалари ҳам мужассам. “Ўзининг миллий салоҳияти ва тафаккур куч-қувватига ишонч кучайишини истаган халқ биринчи навбатда Шахсни вояга етказадиган таълим-тарбия тўғрисида ўйлаши зарур.”(Ҳаққул, 2019:129) Иброҳим Мўминовга аталган эсседан олинган ушбу парчада эса, “шахс” сўзи орқали камолот босқичларининг эгалланилиши, бу эса ватанпарварлик туйғулари билан боғланиб кетишлиги таъкидланади. “Энди ижодда ҳам мутлақо мустақил, бутун борлиги ила санъаткорликка содиқ кучли Шахслар фаолият бошлаши зарур”(Ҳаққул, 2019:219) – ушбу мисолда эса, бу сўз орқали ўз-ўзини англашга даъват маъноси англашилмоқда. Кўринадики, олим биргина сўз воситасида

турли маъноларни ифодалай олган, айнан шу сўз орқали айтмоқчи бўлган фикрига таъкидни кучайтирган. Бу унинг сўз маъносини чуқур ҳис этиб, уни қўллашдаги маҳоратини кўрсатади.

Мақолага сарлавҳа танлашда ҳам ҳар бир ижодкорнинг услуби фарқланади. Иброҳим Ҳаққулов мақолаларига танланган сарлавҳаларнинг бир қанча ўзига хос жиҳатлари бор. Олим, аввало, мақола мазмунини умумий камраб олишга интилади, бу хусусият, албатта, кўплаб ижодкорларга хос. Иккинчидан сарлавҳани мақолага очқич қилиб йўналтиришга интилади, моҳият сарлавҳада акс этади, учинчидан, сарлавҳалар бадиий жиҳатдан бойитилади, тўртинчидан таҳлилга олинган ижодкор ижодидан унумли фойдаланади, бу асосан, мунаққиднинг адабий-маърифий суҳбатларида яққол кўзга ташланади. Бешинчидан, қурилиши содда ва ихчам.

Академик Бахтиёр Назаров ҳам олимнинг сарлавҳа танлаш борасидаги маҳоратини алоҳида таъкидлаб, “Навоийга қайтиш” жумласи мазмунини ёритиб берган (Назаров, 2019:29). Бу сарлавҳа номи остида мақолалар моҳияти акс этибгина қолмай, улкан даъватни ҳам кўриш мумкинки, халқимизнинг, адабиётимизнинг “Навоийга қайтиш”и уни юксалиши, ундан маҳорат ва илму адаб сирларини ўрганишига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Иброҳим Ҳаққулов сарлавҳаларидан унинг ким ҳақида эканлигини тушуниш адабиёт ихлосмандлари учун қийин эмас. Масалан, “Тутдек тўкилган юрак” мақоласи

“Тутдек тўкилди юрагим,

Аламнинг ҳар қамчисидан...” мисралари муаллифи Тилак Жўра ҳақида. Мақолани ўқиш жараёнида бу сарлавҳа нафақат шу шеърда келтирилгани учун, балки шоир ижодининг умумий руҳини, шоир қалбини ҳам ифодалашини кўриш мумкин. Шунингдек, ушбу сарлавҳанинг яна бир жиҳати, оҳангдорлиги, жаранги эътиборни тортади. “Тутдек тўкилган юрак”- мунаққид ҳарфларнинг уйғунлигига, алитернацияга аҳамият бергани ва бу шоир исмига-да ҳам оҳанглиги (Тутдек, Тилак, юрак) шунчаки тасодиф эмас.

Иброҳим Ҳаққулов томонидан танланган сарлавҳаларга назар солсак, уларда тиренинг жуда кўп қўлланилганлигини кўриш мумкин. Айниқса, “Занжирбанд шеър қошида...” китобига киритилган мақолалар сарлавҳасининг аксариятида бу яққол кўринади: “Тарих – хотира чироғи”, “Қора ранг – муборак ранг”, “Билим – эътиқод нури”, “Ёшлик – умр кўклами”, “Хатони англамоқ – халос бўлмоқ”, “Ичкилик – афсус суви”, “Танқид – виждон ҳамласи” каби сарлавҳаларда эга ёки кесим, айримида эса ҳар иккаласи бирикма билан ифодаланган ва сифатлашдан фойдаланилган. Боғлама бўлмагани сабаб тире ишлатилган бўлса-да, унинг услубий жиҳатлари ҳам бор. Тирелар таъкид, ихчамликка интилиш, жумланинг жозибадорлиги ошириш,кабиларга йўналтирилган.

“Нодонлик - ёвузлик”, “Саховат тан, ҳиммат - жон”, “Ишқ – ҳақиқат, ишқ – тириклик”, “Ит – рафиқ, ит – ракиб” каби сарлавҳаларда эга ва кесимни боғлаган тирелар жумлада айтилмоқчи бўлган фикр таъкидини ва таъсирини оширган. Бундан ташқари сарлавҳаларда таъкидни кучайтирувчи такрорлар (ишқ, ит), антонимлар (рафиқ-ракиб) ҳам борки улар ҳам китобхон учун мавзуга киришиш учун очкич бўлиш билан бирга хотирада осонгина муҳрланиб қолади. Эътибор қаратадиган бўлсак, сарлавҳаларнинг деярли барчаси қиёслаш асосида қурилган. Қиёс ва сифатлашларда ҳеч қандай ортиқча грамматик восита қўлланилмай, барчасининг вазифаси тирега юкланган. Бу ҳам олимнинг тил воситаларидан моҳирона фойдаланганлигини кўрсатади.

Мунаққид мақолаларининг яна бир жиҳати борки, бу ҳам китобхон диққатини тезда ўзига жалб этади. Бу унинг сўроқ гаплардан моҳирона фойдаланиши. Мунаққид оддий сўроқ гаплардан, асосан, китобхон билан мулоқотга киришиш, диққатни жамлаш ва уни фикрлашга даъват этиш мақсадларида фойдаланади. Масалан, Чўлпонга бағишланган “Ўлка қайғуси” мақоласида “Босмачи” сўзини ким ўйлаб топган? Қандай киши босмачи дейилади?” (Ҳаққул, 2019:50) дея кўш савол қўяди. Кўриниб турибдики, ушбу саволларга илмий, аниқ жавоб топиш муаммо, бу саволларнинг берилишидан мақсад китобхонни фикрлашга чорлаш, шунингдек, Чўлпон яшаган давр руҳиятига ўқувчини олиб кириш. Саволларда жавоб излаш, фикрлаш натижасида ўқувчи муаллиф айтмоқчи бўлган фикрларни кенгрок тушуниб олиш имконига эга бўлади. Баъзан олим тадқиқ этилаётган масалага янада чуқурроқ кириш эҳтиёжи туғилганда ҳам сўроқ гаплардан ўринли фойдаланади. Жумладан, Бобурнинг нафсининг душманлиги борасидаги байтлари таҳлилида шундай савол қўйилади: “Ҳақиқатда шундайми? Нафсни ҳамиша ғаним деб билиш, уни тўхтовсиз маломат қилиш керакми?” (Ҳаққул, 2016:35) бу ўринда савол берилишидан мақсад китобхонга янада кенгрок, илмий асослар билан жавоб тақдим этиш. Мақола давомида ҳар иккала савол ўзининг теран ечимини топган. Бу каби саволлар, асосан, олимнинг тадқиқот мақолаларида қўлланилади ва маълум муаммонинг ечимини излашга калит вазифасини ҳам ўтайди.

Бундан ташқари риторик сўроқ гаплар ҳам олим ижодида кўп ўринларда қўлланилади. Алишер Навоийнинг “*Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким...*” мисрасини таҳлил этар экан, олим савдо-сотик дарёсига эътиборини қаратади ва “Унда кимлар сузмагану, кимлар чўкмаган?” (Ҳаққул 2016:140) дея савол қўяди. Бу савол муаллифдан ҳам китобхондан ҳам жавоб талаб этмайди. Аммо китобхонни мушоҳадага чорлаши, шубҳасиз. Ушбу риторик сўроқ гап орқали ёлғон дунёга муккасидан кетиб умр мазмунини бой берманг деган огоҳлантириш ва даъват ҳам мужассам.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Ҳаққулов мақолалари тилининг бўёқдорлиги, илмий-адабий тафаккурда бадиий воситалардан моҳирона

фойдаланилганлик каби хусусиятлари билан ўзига хос ва ижодкор услуби индивидуаллигини ҳам белгилайди. Шунингдек, унинг сўзга бўлган муносабати – ихчамликка интилиш, сўз маъносини чуқур ҳис қилган ҳолда ўз ўрнида қўллаш кабилар олим мақолаларининг адабиётшунослигимиздан муносиб ўрин эгаллашини таъминлади десак хато бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Назаров Бахтиёр (2019). Моҳиятга муҳаббат. – Тошкент. Тафаккур.
2. Ҳаққул И. (1989). Занжирбанд шер қошида. – Тошкент. Юлдузча.
3. Ҳаққул И. (2016). Навоийга қайтиш. – Тошкент. Тафаккур.
4. Ҳаққул И. (2018). Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент. Мухаррир.
5. Ҳаққул И. (2019). Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Тошкент. Тафаккур.
6. Ўзбек тилининг изохли луғати. (2006). Беш жилдлик: 4-жилд.
7. Kadirova N.S. (2019). Style and Skill: Critic's Artistic Ability // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-8, Issue-9S3, July 1245-1250pp.
8. Kadirova N.S. (2020). CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Issue: 04 Volume: 84. p:428-433.
9. Қодирова Н.С. (2019). Мунаққид услуби ва жанрий ранг-баранглик. Сўз санъати. (International Journal of Word Art). ISSN 2181-9297. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-5>. vol. 3, issue 1, pp. 39-49.

Dinora KARIMBOYEVA	
SHODMONQUL SALOM SHE'RLARIDA ANAFORA SAN'ATI	356
Nafisa KARIMOVA	
ZAMONAVIY ADABIYOTDA IJOD LABORATORIYASI: ISTE'DOD, MAVZU TANLASH, IJODKOR MUNOSABATI.....	359
Sohiba KARIMOVA	
ZAMONAVIY ADABIYOTDA SHIKOFORLIK VA YOZUVCHILIKNING O'ZARO VAZIFADOSHLIGI MASALASI	366
Dilrabo KAZAKBAYEVA	
SHAYX AHMAD IBN XUDAYDOD TAROZIYNING "FUNUNU-L-BALOG'A" ASARIDA TARJI'BAND JANRI TAHLILI	373
Насима ҚОДИРОВА	
ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ ИЖОДИДА МУАЛЛИФ НУТҚИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	381
Gavharoy KOMILOVA	
"AQL" VA "AHMOQLIK" MAZMUNIDAGI MAQOLLARNING AKSIOLINGVISTIK TAHLILI	387
Umida MATYAKUBOVA	
XORAZM FOLKLOR SAN'ATIDA XORAZM XALFACHILIK SAN'ATINING TUTGAN O'RNI	394
Dilnavoz NAJIMOVA	
O'ZBEK VA OLTOY XALQ OG'ZAKI IJODIDA ALLA	401
Dilshod NASRIDDINOV	
FENTEZI: MIF VA ERTAK	411
Шахноза ГУЛЯМОВА, Шахло ҲАМРОЕВА	
ТУРКИЙ ТИЛЛИ КОРПУСЛАР ТИПОЛОГИЯСИ	419
Shahnoza RAHMONOVA	
MAVLONO HABIBIY G'AZALLARIDA ARUZ TIZIMI	425
Shahzodbek RUZMETOV	
TURKIY ADABIYOTDA SHE'RIY O'LCHOV MASALASI	434
Zebo SAIDJANOVA	
SO'FI DEVONI – ADABIY MANBA	440
Биби Робиаъ САИДОВА	
АҲМАД АЪЗАМНИНГ "РЎЁ ЁХУД ҒУЛИСТОНГА.....	445
САФАР" РОМАНИНИНГ УСЛУБИЙ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ	445
Райҳоной САИДОВА	
БАДИЙ МАНДА БЕЛГИ ТИЗИМИ	452
Maftuna SAPAROVA	

ULUSLARARASI TÜRK BİLİM ÖĞRENCİ KURULTAYI BİLDİRİLER KİTABI

ISBN 978-601-7999-54-4



Sayı 500 adet.

«Gılım» Yayın Evi

Kazakistan Cumhuriyeti, 010000, Nur-Sultan ş.,

Mostovaya caddesi., 6. tel. +7 (7172) 57-49-83, 24-37-79